

AGR

IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal



ISCAD
The International Strategic Center
for Agri-Food Development

3/2022

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **Т.ФАРМАНОВ, З.ФАРМОНОВА.** Қишлоқ хўжалиги учун субсидиялар ажратиш ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари
8. **З.СЕЙТИМБЕТОВА.** Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг фаолияти натижалари
12. **К.ЧОРИЕВ.** Экономическая сущность и формы эволюционного развития ресурсного потенциала
16. **А.МУХТОРОВ, С.РАВШАНОВ.** Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ривожланган давлатлар тажрибаси
19. **А.АБДУЛЛОЕВ, Н.АСКАРОВ.** Ер майдонларини дегрaдацияга учраш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари
23. **Д.ЯНГИБОЕВ, З.БАЙМУРАТОВА.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш йўллари
26. **А.ЭРДОНАЕВ.** Глобаллашув ва унинг тижорат банклари фаолиятига таъсири
32. **Я.АЛИЕВ.** Аграр соҳада инновацион хизматлар бозорини ривожлантириш
35. **Б.ҲАҚБЕРДИЕВ.** Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини ошириш йўналишлари
38. **Ш.АЗИЗОВ.** Особенности организации транспортной логистики в аграрной сфере
41. **А.АЙТЫМБЕТОВ.** Интенсив усулда балиқ етиштириш самарадорлигини ошириш йўллари
45. **М.ДУСТОВА.** Риски в сельскохозяйственных предприятиях
49. **Д.БАЙЖАНОВ.** Тижорат банкларида ислом молия тизимидан фойдаланиш йўллари
52. **С.НОСИРОВА, Н.ТУРСУНОВА.** Ўзбекистонда агротуризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
54. **A.NORQO'ZIYEV.** Ichki resurslarga asoslangan hududiy infratuzilmani takomillashtirishning xorij tajribasi va uni O'zbekistonda foydalanish imkoniyatlari
58. **А.НОРОВ.** Тижорат банклари капиталини шакллантиришда банк даромадининг роли: АТБ "Агробанк" мисолида
61. **У.НУРМАНОВ.** Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активларни бошқариш механизмининг услубий асослари
64. **М.СОБИРОВА.** Qishloq xo'jaligida meva-sabzavot kooperatsiyasini tashkil etish va rivojlantirish
67. **И.ТОЙМУХАМЕДОВ.** Қишлоқ хўжалиги тузилмаларини молиявий маблағлар билан таъминлашда банк кредитларидан фойдаланиш масалалари
69. **Б.ЮЛДАШЕВ, С.ЖАМОЛДИНОВ, О.ХАСАНОВ.** Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари тадбиркорлик асосида маблағлар ишлаб топилшининг мақсади ва аҳамияти
73. **У.ЭЛЬБУСИНОВА.** Инновациялар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни таъминлаш
75. **Г.САМИЕВА, Ш.РАМАЗОНОВ.** Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш: Хитой тажрибаси мисолида
78. **М.ХОЖИБОЕВ.** Солиқ юки ва уни оптималлаштириш масалалари
81. **К.ХАТАМОВ.** Асосий воситаларни тахлилий кўрсаткичлар асосида аудит қилиш зарурияти
84. **Ҳ.ТУРОБОВА, Ф.САИДОВА.** Қишлоқ хўжалиги кооперативларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий моделлари
87. **Ш.ФАЙЗИЕВА.** Чорвачилик кластерларида иқтисодий механизмларни такомиллаштириш
90. **У.САДУЛЛАЕВ.** Чорвачилик тармоғини интенсив ривожлантиришда Испания тажрибаси
93. **А.ҲАМЗАЕВ.** Иқтисодий трансформациялаш жараёнида капитал бозорини ривожлантириш истиқболлари
96. **О.АЗИЗОВ.** Agrar sohasiga investitsiyalarni jalb qilishning holati va istiqbollari
99. **М.ТУХТАРОВА.** Мулкый суғурталаш амалиётининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш
103. **О.ОЧИЛОВ.** Инвестицияларнинг омилли тахлили ва уни такомиллаштириш
107. **А.АБДУРАХМАНОВА.** Qishloq hududlarida ekologik turizm maskanlarining iqtisodiy salohiyatini baholash
110. **Х.ЯҚУБОВА.** Россия федерациясининг деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимидаги илғор тажрибалари
113. **Р.НУРБЕКОВА.** Ғаллачиликда ресурстежовчи технологияларни жорий қилишнинг назарий асослари
116. **Б.ЖУРАЕВ.** Картошқачиликда ресурс тежамкор техника воситаларидан фойдаланиш йўллари
118. **В.БАҲРИДДИНОВ.** Инфляцияни таргетлаш шароитида макропруденциал сиёсат: тахлилий ёндашув
122. **Х.ХУЖАМКУЛОВА, Н.КАСИМОВА.** Мева-сабзавотчилик тармоғи: ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари
124. **В.ГАНИЕВ.** Ishchi kuchi taklifi va unga bo'lgan talab o'rtasidagi nomutanosiblik
126. **Г.БЕКМУРОДОВА.** Тижорат банкларида рақамли маркетинг технологиялари самарадорлигини ошириш йўллари
129. **Н.БОЛТАЕВ.** Ривожланган давлатларда аграр таълим тизимини бошқариш бўйича илғор тажрибалар
132. **Ж.ИСАКОВ, А.НОРОВ.** Микромолиявий ташкилотларнинг кичик бизнесни ривожлантиришдаги роли
135. **Sh.SINDAROV.** Ta'lim muassasalari buxgalteriya hisobining me'yoriy-huquqiy asoslari
140. **Д.ТУРҒУНОВ.** Инновацион ривожланишда молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш механизмлари (стартap лойиҳалар мисолида)
143. **Ф.ИРИСОВ.** Мамлакатимизда ризовар мевалар етиштириш зарурияти ва истиқболлари
145. **А.МАХМУДОВ.** Енгил саноат корхоналарида таннархни аниқлашнинг замонавий усуллари

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

3 (24), 2022

Бош муҳаррир: Тулқин ФАРМАНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Алишер ШУКУРОВ
Саидасрор ҒУЛОМОВ
Норқул ҲУШМАТОВ
Ражаббой ДУСМУРАТОВ
Акмал ҚОСИМОВ
Яшнаржон АЛИЕВ
Муҳаммаджон ҚОСИМОВ
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ
Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ
Назимжон АСКАРОВ
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ
Кайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ

МУАССИС:

**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 10 мартда
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.

© Agroiqtisodiyot, 2022



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОДЕЛЛАРИ

Хулкар ТУРОБОВА,

Бухоро давлат университети доценти, PhD

Фируза САИДОВА,

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этишда ва шаллантиришнинг ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилган ва ёритилган. Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалиги кооперативларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий моделлари бўйича тавсиялар берилган.

Аннотация: В статье исследуется и освещается передовой опыт развитых стран по созданию и внедрению сельскохозяйственных кооперативов. Также были даны рекомендации по организационно-экономическим моделям развития сельскохозяйственных кооперативов в Узбекистане.

Abstract: The article examines and highlights the best practices of developed countries in the establishment and implementation of agricultural cooperatives. Recommendations on organizational and economic models of development of agricultural cooperatives were also given in Uzbekistan.

Хозирги пайтда дунёда 750,0 мингдан зиёд кооперативлар фаолият юритмоқда, улар ўзларида 800 миллион кооператорларни бирлаштирган бўлиб, уларда 120 млн. дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Ривожланган давлатларда кооперативлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим иқтисодий омили ҳисобланиб, дунё бўйича кооперативларни жами обороти 1100 млрд. АҚШ долларга тенг бўлиб, жаҳон иқтисодийнинг 12 % қисмини ташкил этади [1]. 2016 йил 30 ноябрда “Кооперативларга бирлашиш орқали ҳамкорликдаги манфаатларга эришиш ғоя ва амалиёти” Юнесконинг номоддий маданият рўйхатига киритилди.

Маълумотлар таҳлил қилинганда жаҳонда кооперативларнинг сони ошганлигини, лекин аъзолар сони камайганини кузатиш мумкин. И.Э.Сорокина ва А.И.Зарубина таҳлил натижаларига кўра, жаҳонда истеъмол кооперативларида аъзолар сони 35,9 %га, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари сони 1,1 %га камайганлигини, қишлоқ хўжалиги кооперативлари 12,4%га, кредит кооперативлари 1,5 % ва бошқалари 22,1 % га кўпайганлиги кўриш мумкин [2].

Тадқиқот давомида кооперация аъзоларининг умумий сони пасайишига асосий сабаблар бўлиб қуйидагилар эканлиги аниқланди:

1. Аҳолининг яшаш даражасининг жиддий даражада яхшиланиши ва ривожланган давлатларда кооперациянинг жозибadorлигини пасайиши;

2. Саноат ишлаб чиқаришидаги ишчилар

сони қисқарган ва ахборот технологияларига ўтиш шароитида инженер-техник ишчиларнинг ҳиссаси кўпайган давлатларда жамиятнинг ижтимоий таркибида глобал таркибий ўзгаришлар юз бериши;

3. Йирик хусусий фирмаларни кучайиши натижасида истеъмол кооперативлари фаолияти доирасини торайиши;

4. Кооператив секторда самарасиз бошқарув аппаратининг ташкил этилиши натижасида хусусий капитал билан рақобат курашининг ёмонлашуви.

Шунга қарамай, ҳозирги вақтда бирор мамлакат йўқки кооперативлар бўлмаса. Кўпгина давлатларда кооператив аҳолини харажатларнинг маълум бир қисмини бирлаштиради ҳамда иқтисодий ва сиёсий ҳаётни ривожланиб боришида муҳим роль ўйнайди.

Кооперативлар хусусий корхоналарга нисбатан глобаллашувдан камроқ жабрланади. Улар пай капиталига таянмади, аъзолари олдидаги аниқ муаммоларни ҳал қилади, ўзига спекулятив фаолиятини эргаштирмайди, тижорат жараёнларини, даромадни ва уларнинг ишлатилиши шаффофлигини сақлаб қолади.

Институционал бирлашмаларнинг ташкилий тузилиши жиҳатидан ҳамкорликка асосланган бир қанча кўринишлари мавжуддир. Кооперация (кооператив)лар улардан ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти жиҳатидан тубдан фарқ қилади (1-жадвал).

Бозор иқтисодиёти шароитида кооперация самарали тадбиркорлик фаолияти йўли билан ўз аъзолари ва аҳолининг маҳсулот, ишлар ва

Калит сўзлар: кооператив, қишлоқ хўжалиги, синдикат, картель, ширкат, янги авлод кооперативлари, гибрид кооперативлар.

Институционал бирлашмаларнинг кўринишлари ва мазмуни

Бирлашма тури	Моҳияти
Кооперация	Ихтиёрий ташаббускор ва ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилоти бўлиб, ўз олдига аъзоларининг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадини қўяди ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳиссадорлик асосида шахсларнинг ихтиёрий бирлашуви орқали ташкил этилади ва ўз-ўзини молиялаштириш асосида фаолият кўрсатади.
Корпорация	Йирик акционер жамиятлари бирлашмаси ҳисобланиб, бир хил маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиради. Натижада ишлаб чиқариш монполлашади.
Холдинг компания	Мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятлари. Холдинг компанияларнинг моҳияти шундаки, улар бирор бир ишлаб чиқариш вазифаларини бажармайди.
Картел	Монополистик бирлашма шакли. Бир тармоқдаги мустақил корхоналар нархлар, бозор, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ҳар бир иштирокчининг умумий ҳажмида ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси, иш кучи ёллаш, патентлар ва бошқа масалаларда ўзаро битим тузилади. Бу тузилманинг мақсади монопол фойда олишдир.
Синдикат	Монополистик бирлашманинг бир тури. Улар бир тармоқ корхоналари ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда: буюртмаларни тақсимлаш; хом ашё сотиб олиш; ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун ўзларининг тижорат фаолиятларини бирлаштириб, ягона идора тузадилар.

хизматларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрий равишда бирлашган жисмоний ёки юридик шахсларнинг мулкига асосланган ижтимоий хўжалик юрителиш шаклини ўзида намоён этади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосланган ҳолда, қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатлари ташкилий жиҳатдан 4 хил йўналишда мавжудлигини айтиш мумкин:

1. Кооперация ишлаб чиқарувчи фирма (корхона) шаклида мавжуд бўлиб, бунда корхона (кооператив) аъзоларини аниқ мақсад йўлида бирлаштириб, аъзоларининг биргаликдаги меҳнатига асосланади. Натижада уларнинг манфаатлари ва фойда олишларини кўзлайди.

2. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатлари вертикал интеграцияга асосланади. Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари, уларни сақловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро келишуви асосида ташкил этилади ва фаолият юритади, корхоналарнинг мустақиллиги сақланиб қолади.

3. Ҳамкорликда ишлайдиган корхона (хўжалик) ва фирмаларнинг иттифоқи (коалицияси) шаклида фаолият юритади.

4. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва унга

алоқадор ташкилотлар билан шартномавий муносабатлар асосида фаолият юритиши тушунилади.

Бу кооперация шакллари бир-бирдан асосий фарқи шундаки, 1 ва 3-шаклдаги кооперация шакллари интеграциявий алоқаларига кўра, кооперациянинг горизонтал турига кирилади. 2 ва 4-шакли эса вертикал турига мансуб. 1 ва 3-шакллар кооператив мулк асосида фаолият юритишга асосланади. 2 ва 4-шаклларда кооператив мулк шаклланмайди.

Олиб борилган тадқиқотлар, монографик кузатишлар натижасида кооперация муносабатларини шаклланиш босқичларида турли хил кўринишда ўзини намоён қилгани ва ривожланиб ҳамда такомиллашиб бо-

раётганлигини айтиш мумкин.

Америка Қўшма Штатларида кооперативларни қуйидаги йўналишларда фаолият юритаётганлиги кузатиш мумкин [3]. Улар бозор миқёсига қараб кооперативларни маҳаллий кооперативлар, минтақаларо ва миллий кооперативлар ва халқаро кооперативларга бўладилар. Мулкчилик таркибига кўра марказлашган, федератив, гибрид, бошқа бизнес таркиблар ва янги авлод кооперативларига бўлинади.

1. Марказлашган кооперативлар тўғридан-тўғри ўзининг аъзоларига хизмат қилади. АҚШда кўпгина кооперативлар шундай кооперативлардир.

2. Федератив кооперативлар. Кооперативлар мулк асосида ташкил этилган ва уни кооперативлар назорат қилади.

3. Гибрид кооперативлар. Бир қанча катта кооперативлар ҳар иккала йўналишда ҳам тузилган бўлади. Яъни марказлашган ва федератив кооперативларнинг аралашмасидан. Бундай кооперативларни гибрид кооперативлар деб аташ мумкин.

4. Бошқа бизнес таркиблар. Бунга қўшма корхоналар, холдинг компаниялар, информация улушли ташкилотлар киритилади.

5. Янги авлод кооперативлари. Янги авлод кооперативлари “янги тўлқин ва қўшилган қиймат кооперативлари” деб номланади. Уларда 2 та хусусият бўлиб, бошқа турдаги кооперативлардан ажралиб туради.

Ундан ташқари, АҚШда ишчиларга тегишли кооперативлар учрайди. Бу кооперативлар ишчилар мулки асосида ташкил этилган. Кўпинча бу кооперативлар қайта ишлаш ва сервис соҳаларида фаолият юритади. Бундай кооперативлар ишчилар томонидан иш жойларини ҳимоялаш, ўзлари учун ишлаш шароитларини, иш ҳақларини ва унумдорликни ошириш ҳамда ўзларига демократик муҳитни яратиш мақсадида ташкил этилган. Ҳозир АҚШда бу типдаги кооперативлар 300 дан ортиқ.

Кооперативларнинг ҳуқуқий мақоми борасида бизнинг фикримизча ЕИнинг учта мамлакатлар тажрибаси диққатга сазовор бўлиб, бизнинг мамлақтимиз учун фойдали деб ҳисоблаймиз, хусусан Нидерландия, Франция ва Руминия:

а) Нидерландияда қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва кооператив бирлашма деганда «фермерлар ёки боғбонлар доимий иш олиб борадиган ва қисман қўшма иқтисодий фаолият олиб борадиган (одатда тижорат функцияси) таваккални қабул қиладиган ва тақсимлайдиган иқтисодий ташкилот тушунилади. Хўжалик фаолиятини иложи борича фойдали равишда ўтказиш ва бошқа функцияларнинг моҳиятини сақлаб қолиш шунингдек, ўзини-ўзи таъминлайдиган хусусиятини сақлаб қолган корхона». Аслида улар нафақат муносабатларни осонлаштирадиган ва бошқарадиган оддий тузилмалар балки одатда шартномавий ёки иштирокчилар томонидан тақдим этилган капитал улушига эга бўлган ташкилий тузилма томонидан қўллаб-қувватланади.

а) Францияда кооператив жамият номи билан ишлатилади, бу «жамият» категорияси фуқаролик жамиятлари ва иқтисодий соҳада биргаликда ишлаб чиқарувчи ролини бажарадиган компаниялардан фарқ қилади. Ушбу фаолиятнинг мақсади фермерлар кооперативларини енгиллаштириш учун барча зарур

воситалар билан алмашиш ёки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, операциялар натижаларини яхшилаш ёки оширишдан иборат.

б) Руминияда қонунга мувофиқ кооперативлар ва уларнинг ҳудудий ва миллий даражадаги бошқа уюшма шакллари томонидан бошқарилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари «кооператив аъзоларига қарашли қишлоқ хўжалиги ерларини биргаликда ободонлаштиришишларини амалга ошириш, умумий механизмдан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва эксплуатация қилиш учун ресурслардан биргаликда фойдаланиладиган шахслар бирлашмаси» тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда. Собиқ иттифоқ шароитида кооператив тамойилларига, колхозлаштириш жараёни билан битта тоифадаги масала сифатида қаралиб келинди. Ушбу тамойиллар ўзининг аҳамиятини йўқотиб борди, совхозлар ва колхозлар ҳам амалда давлат мулкига айлантирилди. Ҳозирда кунда аграр тармоқда кооперация умумий моҳияти шундан иборатки, бунда энг аввало кучли бозор рақобатига бардош бериб, ўз олдига иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини яхшилашни мақсад қилиб қўйган бозор субъектларининг эркин тадбиркорлик ва бизнес билан шуғулланишида маълум соҳаларда фаолиятини бирлаштириши ва кооперация жараёни иштирокчиларини бозордаги турли монополист ташкилотлар ва тузилмалар фаолиятидан ҳимоя қилиш кўзда тутилади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларининг салоҳиятини ошириш, харажатлар даражасини камайтириш ва ниҳоят улар фаолияти самарадорлигини ошириш учун янги иқтисодий-ижтимоий реалликдан келиб чиққан ҳолда кооперациявий муносабатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш талаб этилади. Иқтисодиётдаги глобал ўзгаришлар қишлоқ хўжалигида кооперациянинг турли шакллари самарали ташкил этиш муҳим масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Коринец Р. Сельскохозяйственная обслуживающая кооперация в Украине. ФАО региональное бюро по Европе и Центральной Азии. Исследования по политике перехода сельского хозяйства No. 2013-6
2. Сорокина И.Э., Зарубина А.И. Роль кооперативов в глобальной экономике // Ж.Проблемы современная экономика. М.: 2011. №3 (39)
3. Kimberly A.Zeuli, Robert Cropp. Cooperatives: Principles and practices in the 21st century. Электрон ресурс. <https://learningstore.uwex.edu>.